


ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ

ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ

АБУ РАЙҲОН БЕРУНИЙ НОМИДАГИ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ

Гувоҳнома № 0680-16.02.2018.
ISSN № 2181-9017

М У Н Д А Р И Ж А

МАНБАШУНОСЛИК

1. **Абдухалимов Б.** Формуляры записей о купле и продаже усадьбы из сборника (*мажма‘*) Абу Хафса ан-Насафи 3
2. **Муратов А.** Умар Насафийнинг “ат-Тайсир фи-т-тафсир” асарига асос бўлган манбалар 14
3. **Улашова С.** Хоразмшоҳлар даври манбаларида Мовароуннаҳрдаги этник ҳолатга доир 22
4. **Замонов А.** Бухоро шайбонийлари ҳарбий тизими манбашунослигига доир баъзи мулоҳазалар 36
5. **Ғуломов С.** Ҳишмат ижоди спектри ва янги топилган “*Зиж*” хусусида 49

ТАРИХ ВА ТАРИХШУНОСЛИК

1. **Давлатова С.** Ҳунармандчиликда рамзлар: семантик-семиотик таҳлил *(Ўзбекистоннинг жанубий ҳудудлари мисолида)* 62
2. **Ҳошимов Б.** Фарғона водийсидаги археологик тадқиқотлар тарихидан (1884–1964) 77
3. **Шамсиев М.** XIX аср биринчи ярмида Қўқон хонлиги ташқи савдо алоқаларида тошкентлик савдогарларнинг роли..... 92

ДИПЛОМАТИКА

1. **Таниева Г.** Эрназар Мақсуд ўғлининг ҳаж йўллари масаласига доир элчилик фаолияти (Россия империяси Ташқи сиёсат архиви ҳужжатлари асосида) 101

ИСЛОМШУНОСЛИК

1. **Махсудов Д.** XIII асрда мусулмон дунёсида тафсир илми ривожи ва муфассир олимлар фаолияти 111

ФАН ВА МАДАНИЯТ ТАРИХИ

1. **Исҳоқов М.** Қадимги Хоразм ёзуви ва ёзув маданияти ҳақида 124

ТИЛ ВА АДАБИЁТ

1. **Умарова И.** Айюбнинг “Шарҳи Маснавийи Мавлавий” асарида келтирилган Жалолиддин Румий ҳаётига оид маълумотлар 140
2. **Худжанова Д.** Замахшарийнинг “ал-Қистос ал-мустақим фи илм ал-аруз” асарида аруз рукнларининг илмий-назарий талқини 154
3. **Шарахметова М.** “Бобурнома”нинг урдуча таржималарида Ҳиндистон таърифи 165
4. **Мадиримова С.** Мутриб Хонахароб ғазаллари 176
5. **Тўхтамуратов Ф.** Муҳсиний девони қўлёзма манбалари ва шеърларининг матн хусусиятлари 191
6. **Абдулаҳатов Н.** “Марсия” адабий-тарихий манбаларига оид айрим мулоҳазалар *(XIX–XX аср бошларида Марғилон маданий муҳити манбалари асосида)*..... 201

ИЛМИЙ АХБОРОТ

Эшонова С., Қўлдошев Ш. Поп тумани Ғурумсарой қишлоғидаги қабртош хусусида 210

ЎзР ФА
Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти Илмий кенгашининг 2020 йил 4 мартдаги 3-сонли мажлиси қарорига кўра нашрга тавсия қилинди.

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ

Баҳром Абдуҳалимов
(Бош муҳаррир)
Сурайё Каримова
(Бош муҳаррир ўринбосари)
Салимахон Эшонова
(Масъул котиб)
Наталья Каримова
(Рус тили муҳаррири)
Азиза Шаназарова
(Инглиз тили муҳаррири)

Аҳмедов Ашраф
Бобожонов Бахтиёр
Баҳодиров Роиқ
Бўриев Омонулло
Дагели Жанин
Жуманазаров Абдусаттор
Исломов Зоҳиджон
Қориев Одил
Мўминов Аширбек
Раҳимжонов Дурбек
Султонов Ўктам
Ходжаев Аҳад
Юсупова Дилором
Ғуломов Санжар
Ҳабибуллаев Акрам
Ҳасанов Маҳмуд

Манзилимиз:
100170. Тошкент ш., Мирзо Улуғбек кўчаси, 79
Мурожаат учун:
Телефон*: (8 371) 262-54-61,*
Факс*: (8371) 262-52-77*
E-mail: beruni1@uznet.uz

Central Asian calligraphy" depicted Muhsini as one of the prominent calligraphers of the Fergana Valley, an expert of Arabic, Persian and Uzbek literature and a great poet.

Muhsini collected his poems in four manuscript volumes. One of them is kept under the inventory number 7392 in the manuscript fund of the Abu Rayhan Beruni Institute of Oriental Studies of the Academy of Sciences of the Republic of Uzbekistan. It is of great importance because it is considered to be an autograph copied by Muhsini himself. It contains 7426 verses written in such genres as *ghazal*, *muhammas*, *musaddas*, *musamman*, *tarje'band*, *nama*, *qasida*, *tarikh* and *rubai*. This devan is the most complete of Muhsini's four manuscript devans as it was compiled at the end of the poet's life in 1917.

The use of some words in eight ghazals in this devan reveals the poet's particular approach to composition. It is known that the opposing images of a lover, beloved and rival are considered to be the foundation of the classical poem. Muhsini interpreted these images in a particular way using his calligraphic mastery which helped to develop his distinctive style emphasizing the harmony of artistic form and content.

Keywords*: Muhsini, poet, calligrapher, devan, manuscript, ghazal, bayt, text, form, content.*

Н. Абдулахатов

Марғилонлик уламоларга оид марсиялар

XIX асрнинг иккинчи ярми ва XX аср бошларидаги Марғилон муҳити диний-маърифий меросини ўрганишда марсиялар ҳам муҳим манба бўлиб хизмат қилади.

Маълумки, марсия инсон вафоти муносабати билан ёзилса-да, унда марҳум фаолияти, ҳаётининг моҳияти, ижтимоий масалалар ҳам акс этади. Ўлим ҳодисаси халқ оғзаки ижодида айтув; Шарқ ёзма адабиётида марсия, фироқия, ёднома; Ғарбда элигия, эпитафия жанрларини вужудга келишига сабаб бўлган. Марсия – арабча "риса" сўзидан олинган, "йиғламоқ", "аза тутмоқ", "қайғурмоқ" маъноларини билдиради [11: 547]. Адабиётда вафот этган шахс сифатларини таърифловчи шоирнинг унга муносабати, лирик қаҳрамоннинг кечинмаларини акс эттиради [9: 69]. Марсияларда марҳум вафоти вақтига абжад ҳисоби билан таърихлар берилган. Алишер Навоий (1441–1501)нинг Абдураҳмон Жомий (1414–1492)га бағишлаб ёзган марсияси, назм аҳлининг айтган таърихлари фикримизга далилдир [2: 141].

Мусулмон оламида олимларнинг вафот этиши катта жудолик деб қаралган. Халифа Умар[1] (р.а.): “Кундузлари рўзадор, кечалари бедор бўлган мингта обиднинг ўлими, ҳалол-ҳаромни ажрата олувчи бир олимнинг ўлимидан енгилдир”, – деган. Ҳазрат Али[2] (к.в.): “Олим киши кечалари бедор, кундузлари бедор обиддан афзалдир. Олим вафот этса Исломда бир дарз пайдо бўлади, уни фақат олимнинг ўринбосаригина ямай олади”, – дейди [3: 64]. Баъзан бир олимнинг ўлими туфайли илм аҳлининг бошига катта мусибатлар келган [7: 260].

Мазкур таърифлар марғилонлик машҳур уламо, нақшбандия тариқатининг муршидларидан Абдулкарим Калонга (ваф. 1884) бағишланган марсияларда ҳам кўзга ташланади.

Абдулкарим Калон ҳазрат ўз пайтида юзлаб муридларни тарбиялаган. Суҳбатларидан эшитиш учун илм толиблари узоқ юртлардан ҳам келишган. Улар орасида Шарқий Туркистонлик талабалар ҳам бўлган [12: 331]. Улардан бири Охунжон қори Водилий (1872–1958) ёзади: “Қудратли Роббисининг лутфига муҳтож банда, мен Хожа заъиф Абдулғаний Фарғона диёрига келганимда, балдайи машҳур Марғинонга бордим ва у ерда Ётиқ тут маҳалласидаги “Хонақоҳ” мадрасасида Ҳазрат Абдулкарим домла ҳузурида қолдим ва таълим олдим” [10: 332].

Охунжон қори Марғиноний[3] алломага бағишланган манқабатида унинг “Ат-тариқату куллуҳа одобун” (“Тариқатнинг йўли бошидан охиригача фақат одобдир”) деб берган таълимини келтирар экан, Муҳаммад Юсуфхон Марғинонийга (1840–1918) айрича эҳтироми бўлганини таъкидлайди:

Домлайи Абдулкарим устоди кулли қутбидин,
Пешвойи муқтадойи сиддиқийбон айлади.
Домлайи Муҳаммад Юсуфни Юсуфи соний билиб,
Нури чашмим деб ўзин, Яъқуби Канъон айлади [10: 161].

У Хонақойи ҳазратнинг устозига бағишланган форс тилидаги ўттиз мисрали марсиясига “Устозимизнинг устозига ёзган таърих-марсияси” дея сарлавҳа қўйган. Унда устозидан айрилган ёш шогирднинг ҳасратлари, устозининг маънавий қиёфаси тасвирланган [12: 245].

[1] Умар ибн Хаттоб (тахм. 585–644; ҳукмронлик даври 634–644) чорёрларнинг иккинчисидир [4: 489].
[2] Али ибн Абу Толиб (656–661; ҳукмронлик даври тахм. 600–661) дастлабки тўрт халифнинг тўртинчиси эди [4: 50].
[3] Охунжон қори Марғиноний Чилдухтарон маҳалласида туғилган. Абдулкарим домланинг шогирди, 1974 йили 90 ёшда вафот этган.

Во дариғоки аз зулми жаҳон,
Ҳама бо ашки чашм ҳайрон рафт.

Лолагул, бинафша ва насрин,
Сумбулу ёсуман, райҳон рафт.

Ҳасрато, нур файзу меҳри шуҳуд,
Жилва кардида пинҳон рафт.

Дурри якто қулзуми тавҳид,
Раҳ намуда ба зери уммон рафт.

Тоири руҳи қудс манзили у,
Зуд азин ҳокдон пурафшон рафт.

Мафхари зумрайи сафокешон,
Мазҳари сидқ, завқи виждон рафт.

Матлаъ ил-илм, махзан ул-асрор,
Манбаъи лутф, махзи ийқон рафт.

Қоддаса сирраҳуллоҳ ул-ақдас,
Сўйи мақсад ажаб шитобон рафт.

Ҳамнишинони маҳфали унсаш,
Дийда гирён сийна сурон рафт.

Ҳамкунони жумла зери куҳ ғаманд,
Нола беҳад аз дили жон рафт.

Нафҳайи марқади муборак у,
Атри азизону мушк ҳайрон рафт.

Файзи обод шуҳрataш номаш,
Бажавониб расад расон рафт.

Дави пурсидам аз ҳирад таърих,
Сарфуру кард дар гирибон рафт.

Як ду оҳи кашед бешак гуфт,
”Маъдани илм ва нури ирфон” рафт [10: 84].

Мазмуни: *Оҳ, афсуски, жаҳоннинг зулму туғёнларидан ҳамма кўз ёш тўкиб ҳайронликда қолди. Бу дунё чаманзоридан қанчалаб лола, бинафша, насрин, сумбул, ёсуман ва райҳонлар кетди.*

Ҳасратлар бўлсин, жаҳон офтобининг файзиёб нури бир жилва қилдию ғойиб бўлди. Тавҳид денгизининг покиза қуши бу ёлғончи дунё манзилгоҳидан тез учиб кетди. Сафо аҳли зумрасининг фахри, садоқат мазҳари ва илоҳий завқлар сабабчиси кетди. Илоҳ ошиқларига ваҳдат майидан улашувчи, ишқ завқидан маст бўлганлар базмининг соқийси кетди.

Илмлар кони ва илоҳий сирлар хазинаси, раҳмоний лутфлар кони ва комил имон соҳиби, Оллоҳ пок руҳини муқаддас қилсин, азалий мақсад сари шитоблаб кетди.

Вафоти туфайли суҳбатдошларининг кўзлари гирён, кўнгиллари қон бўлди. Муборак номининг шуҳрати бутун атрофга ёйилган эди. Ҳамма ғамининг тоғи остида эзилиб, ич-ичидан йиғлаб нола қилди. Ҳатто, муборак марқадининг хуш бўйидан атру мушклар ҳам ҳайрону лол эди.

Ақлдан вафоти таърихига сўз айтишни сўрасам, у бошини эгиб хомуш қолди. Бир икки оҳ тортти ва деди: ***“Илмлар кони ва маърифат нури кетди”***[1].

Ҳозирги кунга қадар XIX – XX аср бошларида Марғилон шаҳрида яшаб ўтган Мулла Абдулкарим, Хонақойи Ҳазрат, Абдулмўмин қори, Абдулҳай махдум, Абдусамад охунд Қоил Марғиноний, Мазҳариддин махдум, Маҳмуд Қори, Мирҳайдар домла Толий, Миряҳё қори, Мулла Аббосхон қори, Мулла Абдураҳмон домла, Мулла Алижон охунд, Мулла Тўхтаназар аълам, Муҳаммад Сиддиқ охунд, Муҳаммад Ниёз эшон, Мушаррафхон охунд, Охунжон қори Водилий, Хожажонхўжа Рожий, Тўхтасин махдум, Фозилжон махдум, Ҳазрат Бухорий, Халифа домла Андижоний, Хонбува Мукаррамхон тўра сингари уламолар вафотига бағишлаб ёзилган ўнлаб марсиялар уларнинг авлодлари қўлида сақланиб қолган.

1. Муҳаммад Юсуф Ҳазин 1857 йили вафот этган “Катта ҳазрат” номи билан машҳур Муҳаммад Каримга бағишлаб марсия ёзган.

2. Рожийнинг отаси (ваф. 1852), Мулла Ориф Марғиноний (ваф. 1889), қози мулла Мирза Ҳаким Шаҳрихоний (ваф. 1890), учқўрғонлик Ойбиби отин (ваф. 1891), марғилонлик қози Усмонхўжа аълам (ваф. 1894), марғилонлик саййид авлодларидан мулла Саййид Аҳмадхон қози Юсуфали

[1] Таржима Раҳматулло Файзуллаевники.

хожа ўғли (ваф. 1891), Боқий Учқўрғоний (ваф. 1899), мулла Эминжон охунд Андижоний (ваф. 1900), Бузрукхон Машҳадий (ваф. 1901), марғилонлик Тошқорабой ҳожи (ваф. 1901), Хожа Муҳаммад аълам Ўший (ваф. 1902), Маҳмудхон қози Андижоний (ваф. 1907), домла Абдурауф Рошидоний (ваф. 1908), мударрис Камолиддин Косоний (ваф. 1910), Тилла халифа (ваф. 1910), Сафохон тўра, Марғилоннинг Сафилтўда даҳаси қозиси Музаффархонхўжа Мансур ҳожи ўғли (ваф. 1911) ва унинг набираси Муҳтарамхон, Раҳматуллоҳ Мулла Тошболта ўғли (ваф. 1913), Абдулқодир Махдум (ваф. 1915), Тошболта Муҳаммад Иброҳим (ваф. 1918), мударрис Бурҳониддинхўжа, бухоролик Мир Қиёмиддин Мир Бадриддин ўғлига бағишлаб марсиялар ёзган.

3. Мир Ҳайдар домла Толий (ваф. 1914) марсияси, Абдулқодир махдум Нозик Ғиштин мадрасасининг мударриси, қуболик Қаландарҳожи вафотига, Жалолиддин қори, Муфаззал махдум ва Мушаррафхон охунд Фозилжон махдумга, “Узун соқол” домла номи билан машҳур марғилонлик Абдулҳай махдумга, Ғурбатий марғилонлик уламо мулла Аббосхон қорига, Бекий Полмоний Мукаррамхон тўрага, Асий Водилий Идрис халифага, Муфаззал махдум Хожа Юсуфхон тўрага, Абдулазиз Ғолиб Марғилоний Муҳаммад Сиддиқ охунд домлага, Ғолиб Марғилоний Абдуссамад Охунд вафотига ёзган марсиялар сақланиб қолган.

Ушбу марсияларда аҳолининг диний-ахлоқий билими, маънавий-интелектуали ифодаланган. Ушбу марсиялар баъзи шахслар вафоти муносабати билан мунгли ҳолатлар руҳияти, Олам ва Одам сир-саноатларини тасвирлаш ҳамда тарихни ёритишда муҳим манбавий аҳамиятга эгадир [8: 445]. Машҳур уламо Мир Ҳайдар домла Толий вафотига (1914) ёзилган марсияга назар ташлаймиз.

Бабоғи васли фариданд он фариди замон,
Баноми ҳазрат устоз ҳозирони жаҳон.

Ва нез пири мукаммал сулуки нақшибанд,
Баилму ҳилму шужоъ саховаташ пайванд.

Бино ли-жамъи фазоили Абу Ҳанифа шумор,
Фидойи номи тавъами номи ҳазрати Каррор.

Муфид мушфиқи бечоракони муҳтожон,
Жаноб раҳбари мо зубдаи дуогўён.

Мисоли шамсу қамар дар санори лутфи карам,
Бамухлисони сиддиқаш ва хосимони бадам.

Баён васфи сифоти вале на мақдурам,
Валек шаммаи гуфтам башавқи маҳбубам.

Ғариқи раҳмати борий шавад дуои мо,
Шафеи аҳли қиёмат кунад Худойи мо.

Қарори соли муборак зуҳури зоти Эшон,
Баҳафт даҳ бизани нуҳ бануҳ ба умраш дон.

Тафаккур хурдони рўз бист зу қаъда,
Фироқ ҳазрати мо буданд якшанбаҳ.

Суоли аҳли хазин вақти фирқатон чу зариф,
Хазони гулшани суҳбат шуда бафасли хариф.

Агар суол шавад сол фавти ҳазрати мо,
"Чироғи бадини набий" рафта аз миёни мо [8: 445].

Мазмуни: *Ёлғиз Тангрининг васлиға етмоқ учун замони ягонаси ҳазрат устозимиз бу дунёдан кетди. У нақшбандия сулукининг пири муршиди, илму ҳилм ва саховатда паҳлавон эди. Абу Ҳанифа ҳазратларидек ўзида барча фазилатларни жамлаган бу зот, исмда ҳазрат Алига номдош эди. Бечора, муҳтож – кабағалларга ёрдам берувчи, бизнинг раҳнамо ва дуогўйларнинг зубдаси эди. Лутфу карамда тўлин ой каби, мухлис ва дўстларига меҳрибон эди. Унинг васфини баён қилишга қудратим етмайди, камоли муҳаббат туфайли бу ерда бир оз баён қилдим. Борий Таоло у зотни раҳматига олсин ва қиёмат куни шафоатга етказсин. Муборак умри етмиш тўққиз ёшда эди. Зулқаъда ойининг тўққизинчи якшанба куни биздан ажради. Мусибатидан маҳзун бўлганлар вафот вақтини сўрадилар. «Куз фаслида унинг вафотидан суҳбатдошларига хазон етди».* Вафот таърихи изланганда «набий динининг чироғи» жумласи абжад ҳисоби йиғиндисидан 1332/1914 чиқади.

Изланишлар давомида халқ орасида Домла Хонақойи ҳазрат номи билан машҳур Муҳаммад Юсуфхон Марғинонийга бағишланган олти юз ўттиз икки мисрадан иборат етти нусхадаги марсиялар аниқланди. Уларнинг ҳар бири алоҳида мустақил асар бўлиб, мамлакатдаги ижтимоий аҳвол ҳам кўрсатиб ўтилганини таъкидлаш зарур.

1.Охунжон қори Водилий томонидан форс тилида ёзилган 96 мисрали марсиянинг икки нусхаси мавжуд. 1997 йилги изланишлар асносида улардан

бири Абдулғофур охунд, иккинчиси кейинроқ Котиб тахаллуси билан ижод қилган Аҳрорхон Марғинонийнинг шахсий кутубхонасида сақланиши аниқланди.

2. Охунжон қори Марғиноний ёзилган туркий тилдаги 108 мисрали марсия 67х46 см ўлчамли қоғозга беш устунда жойлаштирилган. Шеърий вазни фоилотун-фоилотун-фоилун. Бу манба қоғозидан кейинчалик бошқа мақсадда фойдаланилган чоғи ўрта қисмидан диаметри 15 см доира шаклида қирқиб олинган.

3. Фазл ал-ваҳҳоб Мозорий ёзган форс тилидаги 46 мисрадан иборат марсия марғилонлик Зикриё қори шахсий кутубхонасидан топилган.

4. Бекий Полмоний ёзган форс тилидаги 56 мисрадан иборат Бекий девонига илова қилинган бўлиб, мазкур марсия Зокиржон охунд Марғиноний мерослари орасидан топилган.

5. Мулла Усмон Марғиноний ёзган марсия ҳам форс тилида бўлиб, 36 мисрадан иборат. Қўқон қоғозига настаълиқ хатида битилган. Сарлавҳасида "Таърихи вафоти ҳазрат домлайи Марғиноний" деб кўрсатилган.

6. Қурбон Муҳаммад Аълам ёзган таърих [10: 512].

Хонақоҳий ҳазрат домла Туркистон замини чоризм томонидан босиб олиниб, ижтимоий соҳада парокандалик вужудга келган даврда яшаган. Бу халқнинг ижтимоий-маънавий ҳаётига салбий таъсир кўрсатган ва унинг кўп йиллик тадрижий маромига жиддий халал берган эди. Шундай пайтда халқни турли воқеалар таъсирида оғиб кетмаслигидан эҳтиётлаш зарурати пайдо бўлади. Бундай хизматлар Исҳоқхон тўра Ибрат айтганидек, "албатта, ҳар бир замонда уламолар зиммасига тушган" [5: 97].

Одатда, марсия муаллифлари буюк замондошлари вафотидан қанчалик изтиробга тушгани, марҳумнинг сийрати, дин, тариқат, илм йўлида кўрсатган жонбозлиги, илмий-маърифий салоҳияти, аҳоли ўртасидаги мавқеи, гўзал хулқи, парҳезкорлиги ва бошқа бир қанча фазилатлари кучли эҳтирос таърифланади [1: 130].

Рожий ижодида Ўш шаҳрида узоқ вақт аълмлик вазифасида хизмат қилган Хожа Муҳаммад аълам вафотига ёзилган 48 мисрадан иборат таърих-марсияси аввалида қуйидаги сўзлар бор: "Таърихи вафоти домла ҳожи Муҳаммад аълам Ўший пири кўҳнасол, фақиҳи бемисол муддат ал-умр аълам намуда мутасаддийи фатво шуда. Дар охири сол қози шуда алойиқ ва мутааллиқоти қазо гарон омада нез аълам шуда дар хонаи худ мунзавий буд. Аз ақрон он намонд, пир хамида, гўшт рафта устихон буда. Боин муносиби аҳвол" [13:71].

Мазмуни: *Кекса ёшли мўйсафид, тенги йўқ фақиҳ, бир умр аълам вазифасида фатво ишига мутасадди, умрининг охиригача қозилик оғир юкини кўтарган, хонасида аълмлик билан машғул бўлган Хожа Муҳаммад*

аълам Ўшийнинг вафот таърихи. Унинг бирор тенгдоши қолмаган, бели эгик, баданидан гўшти қочганди. Бу мазкур аҳволларга муносиб ёзилган (таърих) [6: 388].

Марғилон уламоларига бағишлаб ёзилган марсияларда алломаларнинг вафоти билан боғлиқ шогирд ва замондошларининг изтироблари, ўша даврдаги ижтимоий-иқтисодий аҳвол, эл-юртда авж олиб кетган иллатларнинг салбий оқибатлари ҳам кўрсатиб ўтилган.

XIX асрнинг иккинчи ярми XX асрнинг бошларида Марғилонда яшаб ўтган баъзи уламолар тўғрисида маълумотлар фақатгина уларга бағишлаб ёзилган марсиялардагина сақланиб қолинган. Собиқ советларда даврида давом этган қатағонлик сиёсати туфайли уларнинг илмий мерослари йўқолган. Авлодларидан омон қолганлари мамлакатнинг турли ҳудудларига тарқаб кетган.

Тадқиқот натижалари Марғилон маданий муҳитида яратилган марсиялар адабий жанр ва тарихий манба сифатида ўрганилишини тақозо этмоқда. Уларда ўша даврда кечган ижтимоий-маданий жараёнлар, аҳолининг диний-ахлоқий билими, маънавий-интелектуал савияси акс этган. Кўплаб тарихий шахслар ҳаётига оид маълумотларни қамраб олганлиги билан ҳам манбашуносликда муҳим аҳамиятга эгадир.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Абдулаҳатов Н. Рожий Марғиноний таърихлари тарихий манба сифатида // Ислом зиёси, 2019. №4. Б. 130–139.
2. Алавия М. Ўзбек халқ маросим қўшиқлари. Тошкент, 1974.
3. Алимов У. Илмнинг фазилати. Тошкент, 2010.
4. Ислом энциклопедияси. Тошкент, 2017
5. Исҳоқхон тўра Ибрат. Танланган асарлар / Нашрга тайёрлочи, сўзбоши, изоҳ ва луғат муаллифлари: У. Долимов, Н.Жабборов. Тошкент, 2005.
6. Мадғозиев М., Файзуллаев Р., Абдулаҳатов Н. Хожажон Хожа Рожий Марғиноний. Тошкент, 2016.
7. Набиева О. Марсийа // Ислам на территории бывшей Российской империи. Энциклопедический словарь. Т I. Москва, 2006. С. 259–260.
8. Раҳимжонов М. Ғазал-марсия // Ёшлар китоби. Тошкент, 2008. Б. 409–415.
9. Раҳимжонов М. Марсия термини ва тавсифига доир // Ўзбек тили ва адабиёти. Тошкент. 2001. № 5. Б. 69–71.

10. Файзуллаев Р., Абдулаҳатов Н. Муҳаммад Юсуф Ҳазин (Хонақоҳий Ҳазрат Марғиноний). Тошкент, 2013.
11. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5 жилдли. Иккинчи жилд. Тошкент, 2006.
12. Dogueli J. Abdulahatov N.Ein Vogel ohne Flugel ein Garten ohne Schatten Trauerverse und Gedenken in zentralasien // Der Tod in kultur und Medizin. Berlin. 2014. Б. 245–259.

Н. Абдулаҳатов

Марғилонлик уламоларга оид марсиялар

Мақолада XIX асрнинг иккинчи ярми – XX аср бошларида Марғилонда яшаб ўтган уламолар вафотига бағишланган марсиялар тўғрисида сўз юритилади. Марсия инсон вафоти муносабати билан ёзилсада, унда марҳум фаолияти, ҳаётининг моҳияти, ижтимоий масалалар ҳам акс этади. Айрим марсияларда марҳум вафоти санаси абжад ҳисоби билан ифодаланувчи таърихлар орқали берилган. Марсияларда аҳолининг диний-ахлоқий билими, маънавий-интелектуал савияси ўз ифодасини топган. XIX–XX аср бошларида Марғилон шаҳрида яшаб ўтган уламолар вафотига бағишлаб ёзилган ўнлаб марсиялар уларнинг авлодлари қўлида сақланиб қолган. Марғилон уламоларига бағишлаб ёзилган марсияларда уламоларнинг вафоти билан боғлиқ шогирд ва замондошларининг изтиробларигина ифодаланмай ўша даврдаги ижтимоий-сиёсий вазият ҳам кўрсатиб ўтилган. Марғилон муҳитидаги диний-маърифий меросни ўрганишда диний уламолар вафотига бағишлаб ёзилган марсиялар муҳим манба бўлиб хизмат қилади. Бу эса марсияларни нафақат адабий жанр сифатида балки тарихий манба сифатида ўрганилишини тақозо этмоқда.

Калит сўзлар: *марсия, ёднома, фожиа, айрилиқ, мусибат, диний, ижтимоий, тарих, мерос, устоз, дунёқараш, қўлёзма.*

Н. Абдулахатов

Элегии, посвящённые маргиланским улемам

В этой статье рассказывается о эпитафиях посвященных смерти ученых, которые жили в Маргилане во второй половине XIX – начале XX вв. Хотя *марсийа* написан в связи со смертью человека, он содержит размышления и наблюдения о смысле человеческой жизни, значении жизни, добра и зла, еды и

зла, включая состояние социальных вопросов в стране в то время. Эпитафия – *марсийа,* посвященная смерти религиозных деятелей во второй половине XIX века и начале XX века при изучении религиозного и просветительского наследия в Маргиланской среде, также является важным источником. В этих эпитафиях отражаются религиозно-нравственные знания, духовно-интеллектуальный уровень населения. До сегодняшнего дня десятки эпитафий – *марсийа*, посвященных гибели десятков ученых, живших в городе Маргилане в XIX – начале XX веков, сохранились на руках их потомков. *Марсийа*-эпитафии, посвященные ученым Маргилана, выражают не только страдания учеников и современников в связи со смертью ученых, но и негативные последствия зла, которое было в стране в то время. Поэтому необходимо, чтобы *марсийа* изучались не только как литературный жанр, но и как исторический источник.

Ключевые слова: *марсийа, мемуары, трагедия, разлука, религиозная, социальная, история, наследие, учитель, мировоззрение, рукопись.*

N. Abdulakhatov

Elegies dedicated to Marghilanian ulama

This article is dedicated to the elegies dedicated to deceased scholars who lived in Marghilan in the second half of the 19th – early 20th centuries. Although composed in connection with the death of a person, elegies contain reflections and observations about the meaning of human life, the meaning of life, good and evil in addition to social issues of a particular society. The elegies dedicated to deceased religious scholars of the second half of the 19th and the beginning of the 20th centuries are important sources for the study of Marghilan's religious and educational heritage. These elegies reflect religious and moral knowledge in addition to describing the spiritual and intellectual level of the local population. Fortunately, tens of such elegies have survived in the hands of the descendants of the aforementioned ulamā until our time. Such elegies express not only suffering and lament of students and contemporaries for a deceased scholar, but they also describe negative consequences of the evil present at that time. Therefore, the article suggests to study elegies not only as a literary object, but also as a historical source.

Key words*: elegy, memoirs, tragedy, separation, religious, social, history, heritage, teacher, worldview, manuscript.*